

«Афғон қочоқлари» муаммосига доир

**Шодмон Ҳайитов -
БухДУ, Жаҳон тарихи ва
тарихшунослик
кафедраси**

Дунё сиёсий харитасининг Яқин ва Ўрта Шарқ худудида жойлашган, ўтмишдан халқаро савдо-сотик муносабатлари учун жуғрофий жиҳатдан қулай бўлган Афғонистон давлати тарихининг XX аср даври қонли фожеалардан иборат бўлди. Афғонистон XX аср бошларида Шарқнинг мустамлака асоратидаги ўнлаб давлатлар сингари мустақиллик ва озодлик учун курашлар йўлига кирди. «Ёш афғонийлар» ташкилотининг истиқлол учун сабот билан олиб борган фаолияти бекорга кетмади. 1919 йилда Шарқ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб афғон халқи ўз истиқлолини қўлга киритди. Бироқ, мамлакатда қабилалараро, миллатлараро ўзаро низолар, ички уруш ва жанжаллар давом этарди. Афғон тарихий адабиётларида Муҳаммад Зоиршоҳ ҳукмронлик қилган давр (1933-1973 йиллар) нисбатан Афғонистонда тинчлик мавжуд бўлиб турган йиллар сифатида қайд қилинади.

Муҳаммад Довуд (1973-1978 йиллар) президентлик қилган, айниқса 1978 йил савр (апрел) инқилобий тўнтаришидан сўнг чорак аср давомида афғон муҳожирлиги тўлқинлари узлуксиз рўй бериб турди.

Асосий қисми тоғликлардан (70 фоизи, қишлоқ жойларида 85 фоизи) иборат бўлган 652,2 минг кв.км.ли Афғонистон давлати худудида 20 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади. 2000 йилдаги маълумотга кўра Афғонистондаги 25,2 млнли аҳолидан 9 млн пуштунлар, 3 млн тожиклар, 2 млн ўзбеклар, 2 млндан ортиқ ҳазарлар, 500 минг туркманлар, булардан ташқари қозоқ, қирғиз, араб, белужлар яшайдилар.

Ўзбеклар асосан мамлакатнинг шимолий вилоятларида истиқомат қиладилар. Улар яшаган ҳудудлар Чорвилоят номи билан юритилган.

1978 йилнинг апрелида рўй берган сиёсий воқеалар ва 1978 йилнинг декабрида чекланган совет қуролли кучларининг Афғонистон давлатига киритилиши оқибатида юзага келган «афғон консенсуси» тўғрисида мамлакатда узок муддатга чўзилган уруш бошланиб кетди. 1979 йилнинг декабрида ва кейинги босқичларда советларнинг Афғонистонга 120 минг сонли зобит ҳамда аскарлари, 1000 танк, 2 минг 136 замбарак, 200 бронтранспортёр, 20 минг автомобиллари киритилди. Қўшни давлатга киритилган ҳарбийларнинг 50 минг нафари Туркистон ҳарбий округи аъзолари, ёки Ўрта Осиё миллати вакиллари эди.

Афғонистоннинг ўзида Афғонистон халқ демократик партияси (АХДП) нинг икки қаноти: «Халқчиллар» ва «Парчамчилар» (Байроқ)¹ гуруҳлари ўртасида ҳокимият учун аёвсиз кураш борарди. Ҳокимиятни дастлаб «Халқчилар» бошқарди, сўнгра «Парчамчилар» (1978 йил декабрдан) совет қўшинлари ёрдамида давлат тепасига келдилар. Мамлакатда советпараст ҳукумат ва советлар босқинига қарши «Мужоҳидлар ҳаракати»² (эътиқод учун кураш) вужудга келди.

Охири кўринмайдиган, уруш ва тарафларни муросага келтириш мумкин бўлмаётган қолган бир шароитда 90,6 фоизи камбағал ва ўрта табақага мансуб афғон халқи аросатда қолди. Халқ хўжалиги вайрон бўлди, ерларда деҳқончилик қилиш, яйловда чорва боқиш, савдо йўллари орқали савдо-сотиқ қилишдек тирикчилик манбалари ёпиб қўйилганди. Қолаверса, ўзаро

¹ «Халқчиллар» нинг йўлбошчилари Н.Тараккий ва Ҳафизулло Амин бўлган. «Парчамчилар» раҳбари Б.Кармал эди.

² Мужоҳидлар ҳаракатининг маркази Покистондаги Пешовар шаҳри бўлиб, улар бошида Суъбатилла Мужаддий, Бурҳониддин Раббоний, Гулбиддин Ҳикматёр кабилар турган.

отишмаларда оддий афғонларнинг ҳаёти хавф остида қолиб, уйлари вайрон қилинди. Талвасага тушган афғонлар ўзларининг ота-боболаридан мерос бўлиб қолган азалий яшаш жойларини, яъни Ватанларини ташлаб хорижий давлатларга қоча бошладилар. Афғон чегарасидан хорижга ўтиш совет чекланган кўшинлари ушбу мамлакатдан чиқарилган даврда (1988 йил, 15 май, 1989 йил, 15 феврал) ҳам давом этаверди.

1992 йилда доктор Нажибулла (президентлик даври: 1986-1992 йиллар) ҳукумати ағдарилганидан сўнг Суьбатулла Мужаддий, кейинчалик Бурҳониддин Раббоний (президентлик даври: 1992-1996 йиллар) даврида ҳам пуштун ва форс-тожик можароси туфайли мамлакатда осойишталик ўрнатилмади. Толибонлар давлатни бошқарган йилларда (1996-2001 йиллар) ўрта аср мутаасибчилик ғояларини тарғиб қилдилар ва ваҳҳобийлик тартибларини зўрлик билан жорий қилдилар.

Уруш афғон халқининг турмуш тарзига сингиб кетди, бутун бир авлод уруш ва ҳарбий жанжаллар, инсоннинг ҳаётига зомин бўлувчи турли-туман қуроллардан отилган ўқ овозларига кўникиб вояга етди.

Бироқ, меҳнати эвазига оиласи билан тинч ва осойишта яшашни истаганлар мамлакат ҳудудидан қочишга мажбур бўлишди. Афғон қочқинларининг сони билан боғлиқ рақамлар турли-тумандир. 1996 йиллардаги даврий матбуот материалларида совет-афғон уруши даврида 1,5 млн афғон халқи вакиллари қириб ташланди,³ 4 млн афғонистонлик пуштун, тожик ва ўзбеклар ўз юртини тарк этди»⁴ - мазмунидаги маълумотлар келтирилади.

³ Изох: совет матбуотида Афғонистондаги урушда ҳалок бўлган совет фуқароларининг сони 13 минг 623 киши деб қайд қилинса, хориж матбуотида советлар афғон урушида 40 мингдан 70 мингга кадар ўз кишиларидан ажралганлиги ёзилади.

⁴ Қаранг: Ватанпарвар рўзномаси, 1996; 8 октябрь.

2004 йилда 20 июн, яъни «Жаҳон қочқинлар куни» муносабати билан берилган радиоэшиттиришда: 20 йил уруш даврида Афғонистондан 6 млн киши қочқин бўлиб Покистон ва Эронга ўтди ҳамда улар ушбу мамлакатлардан бошпана топишди. 2004 йил июнига қадар 3 млнлик афғонистонлик асл ватанларига қайтиб келишди» - деб маълумот берилганди.

Бизнингча, 6 млнлик рақам билан боғлиқ маълумот ҳақиқатга яқин. 1979-1996 йилларда «афғон қочқинлари» 3,5-4 млн киши атрофида бўлишган. Толибонлар ҳокимият тепасида турган йилларда ҳам афғонларнинг ўз мамлакатини оммавий равишда тарк этиш авж олган. 5 йиллик қисқа вақт ичида 2 млн афғоннинг ўз юртидан қочиши толибонлар олиб борган сиёсат ўта шафқатсиз ва ноинсоний бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Хорижга қочиб кетган афғонларга осон бўлмади албатта. Улар тирикчилик илинжида хўрлаш ва камситишларга бўйин эгиб кечаю-кундуз меҳнат қилишга мажбур бўлдилар. Қочқинлардан бири Покистонга Шимолий Афғонистондан оиласи билан муҳожир бўлиб бориб қолган Пирмуҳаммад кун кўриш учун 16-18 соатлаб гилам тўқиган, машаққатли меҳнати эвазига бир ойда атиги 100 доллар миқдорида маош олган.

Бошқа афғон қочқинларининг аҳволи ҳам Пирмуҳаммаддан яхши бўлмаган. Ўзбекистонда «Афғон қочқинлари» номли ҳужжатли фильм яратилган. Ушбу фильм афғон қочқинларининг кўз кўриб қулоқ эшитмаган азоб-уқубатлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатни англашимизга ёрдам беради.

Жабрдийда ва заҳматқаш афғон халқининг дарбадарлик, алам ҳамда изтиробларга тўла ҳаёт саҳифалари ўтмишда қолганлиги рост бўлсин.